

ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШ ВА МЕХҲР-САХОВАТ АЙЁМИ

(Боши 1-бетда)

Фикримизни тасдиқлашдек, дилбар қўшиқлардан лобар рақсларда, ёрқин саҳна безакларида, байрам иштирокчиларининг хушнуд қиёфаларида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғуларини барқ уради. Буюк кела-

рак.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиги учун гамжўрлик ҳар томонлама эътиборда турибди. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган истиқболли дас-

Бу борада миллий манфаатларимиз мос келадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик, очик мулоқот йўлидан собит бораемиз. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги bosқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

2005 йилда мамлакатимиз дунёнинг қарийб 150 давлати билан савдо-сотик муносабатларини фаол ривожлантирди. Натижада Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳажми 9,6 фоиз ўсди ва 9 миллиард 500 миллион долларни ташкил этди. Утган йилдаги асосий савдо ҳамкорларимиз сифатида Россия, Жанубий Корея, Туркия, Қозоғистон, Хитой, Эрон, Буюк Британия, Украина, Германия, АҚШ каби давлатларни қайд этиш мумкин.

Айниқса, Россия Федерацияси билан иттифоқчилик муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланимоқда. Наврўз кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлиши наинки икки дўст ва қардош мамлакат ўртасида, айни чоғда Марказий Осиё минтақасида ҳар

томонлама ҳамкорлик алоқалари янги bosқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз...

Хавода ранго-ранг шарлар унади. Ўзбекини, Ўзбекистонни мадҳ этувчи, ўзликни улугловчи ялалардан сўнг халқ маросимлари ва миллий спорт ўйинлари мисолида халқимизнинг миллий ўзига хос фазилат ва хислатлари тараннум этилади.

Байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда кўлаб янги иншоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилди. Бундай савий-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар муҳассамдир.

Она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро товуликни асраб-авайлашимиз ва янада мустаҳкамлашимиз керак. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни остонамизга мутлақо яқин йўлатмаслик учун ҳушёрликни, огоҳликни, биргаликда курашишни асло сусайтирмаслигимиз даркор.

Кўз ўнгимизда Наврўзнинг



асл моҳияти яна бир бор намоён бўлади. Ўзод диёри-мизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фаҳрга тўлдиради.

Саҳна томошалари қизиқандан-қизиқди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртини, истиқлолни, Наврўзнини, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтўтар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Куй-қўшиқ ва алёрларда жонажон Ватан тараннум этилади. Бундай шуқуҳли дамларда аждодлардан бизга, биздан авлодларга мерос шу Ватанга муҳаббат ва садоқат

туйғуси жону танимизга янада тараққот сингатиётгандек. Наврўз шодиёналарининг жозибаси, бутун қўрку таровати ҳам аслида шундай.

Миллий боғ бўйлаб ўтган йўлак теграсида турли қандолат, ноз-неъмат дўконлари, миллий ҳунармандлар расталари, чорпоярлар ўрнатилган. Дошқозонлар бошида пазандалар сайил аҳлини сумалак, ҳалим каби турфа таомлар билан сийлайдилар.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Ислом Каримов ҳунармандлар, савдо вакиллари, пазандалар билан сўхбатлашди.

Баҳорни ҳар бир халқ ўз урф-одатларига хос тарзда кўтиб олади, - деди мамлакатимиз раҳбари журналистлар билан сўхбатда. - Наврўзда наинки табиат, айни чоғда кишиларнинг ҳис-туйғулари ҳам уйғонади. Кўнглида орзу-умидлар барқ уради. Наврўз юртимизда мана шундай шодиёна ва хайрли айём сифатида нишонланаётгани ўзлгимиз, ўзига хослигимизнинг яна бир намоёйиши, аҳил ва иноқ халқ эканлигининг қадимий эътибори. Эртанги кунимизнинг суръати, натижалари бугунгидан ҳам сермаҳсул ва хосиятли бўлади.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА Шарҳловчиси

Бор бўл, оқибат!

Халима Кароматовани Каттакўрғон шаҳрида барча бирдек ҳурмат қилади. Опа узок йиллар шаҳар шифохонасида ишлаб, кишилар саломатлигини муҳофаза қилишда обрў-эътибор топди. Бугунги кунда унинг хайрли ишларидан ҳамма хурсанд. Чунки у хамиша одамлар орасида бўлиб, кўпроқ эзгу ишларга бош бўлишга интилади.

Яқинда Халима Кароматова тadbirkor қизи Юлдуз билан шаҳардаги 5-ёрдамчи махсус интернат-мактабга ташриф буюрди. Олиб келган рангли телевизорни болажонларга топширар экан, интернат жамоаси ишларига омад тилади.

Халима Кароматова шаҳар шифохонасининг асаб касалликлари бўлимида ишлаб, нафақага чиққач, қизи Юлдуз Боборованинг тadbirkorлик ишларига бош бўлди.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТГАН ТАШРИФ



— Биз Халима опадек кўнгли оқ, қалби пок, қўли очик кишиларни қадрлаймиз, - дейди интернат-мактаб директори Шавкат Турдиев. — Бугунги кунда тарбияланувчиларимизга ҳомийлик ёрдами кўрсатаётганларидан миннатдоримиз.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги махсус интернат-мактабда 200 нафардан ортик ақли заиф, ривожланишда нуқсонли бор бўлган болалар тарбияланмоқда. Уларни соғломлаштиришда ўқитувчи ҳамда тарбиячилар билан бирга шифокорлар ҳам астойдил тер тўкишмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда прокуратураси доимий назоратида бўлган интернатга ҳомийлик қилаётганлар сони тобора ортмоқда. Яқинда бу ерга янги русумдаги компьютер совға қилинди.

«Каттакўрғонёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти, «Очилди Мирий» кичик корхонаси, «Ситора» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси, виллоят маъбуот уюшмаси жамоаси, тadbirkor Сафар Ризаев, Ҳамрошош Файзиёва, Алишер Омонов, Бекзод Умаров, Баҳодир Қаҳқоров, Нарзулло Қобуловлар ҳам доимий равишда болажонларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келаётганлар. Утган йилда тарбияланувчилар учун 5 миллион 320 минг сўмлик кўмак берилган бўлса, жорий йилнинг шу кунигача 372 минг 600 сўмлик муруват ёрдами кўрсатилди. Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси шаҳар вакиллиги ходимлари ҳам бу ерга тез-тез ташриф буюриб, маданий-маърифий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлаётганлар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Касаба уюшма ташкилоти: бугун у қандай бўлиши керак?

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Мамлакатимиз аграр тармоғида катта бурилишлар ясалди. Мулк ўз соҳиб қўлига ўтди. Яъни иш бошқаруви том маънода янгиланди. Ҳўш, ана шу шароитда дала ишчилари ижтимоий-иқтисодий ҳимояси қимнининг зиммасида. Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари янгилашни жараёнида оқсак қолмаётганими? Қолаверса, ўтган фурсат жамоат ташкилоти хусусий тармоқда ўз мавқеига эга бўла олдими? Этакчиларнинг бугунги фикри-уйи қандай? Қуйида уларнинг баъзиларига сўз беришга қарор қилдик.

Юсуф Утаганов,
Ғулистон туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси.

— Туманимиздаги 14 та ширкат тугатилиб, ер ресурслари 826 та фермер хўжаликларига тасарруфига ўтди. Натижада собик хўжаликлар негизида фаолият юритиб келган касаба уюшмалари фаолияти ҳам ўз-ўзидан барҳам топди. Ана шу жараёнда жамоат ташкилоти вакилларига осон бўлмади. Чунки фаолиятимизни том маънода янгилаш, мулкдорлар билан амалий ҳамкорликка тайёр бўлишимиз керак эди. Аммо жамоатчилик асосида ишлаш ҳаммага ҳам хуш келавермайдди. Шу боис аксарият этакчиларда ўзини пананага тортиш, масъулиятдан қочиш ҳиссини кузатдик. Маълум муддат фаолиятимизда оқсак сезилганини ҳам яшириб ўтирмаймиз. Аммо мулк соҳиблари билан умумий тил топишга интилдик.

Фермерлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлайдиган, дала ишчилари ижтимоий муҳофазасида дадил

чоғда уларнинг ўртача ойлик даромади 60 минг сўмни ташкил этапти. Фермерлар маблағлари ҳисобидан ишчилар, механизаторларни дам олдириш, саломатликларини муҳофазалашга эътибор қаратаемиз. Утган йилда 60 га яқин ишчилар бундай имтиёزلардан фойдаланишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултоли зиммасида муайян вазифалар юклатди. Биз мулкдор хўжаликларда цех касаба уюшмаларини тузиш — шу орқали жамоат ташкилоти эътиборидан четда қолганларни сафимизга тортиш ҳаракатида бўляемиз. Тан олиш керак, ҳали касаба уюшма назаридан четда қолаётган одамлар бор. Айниқса, хусусий тармоқда ишлаётган айрим ходимлар имтиёз ва кафолатлардан бебаҳра қолишапти. Биз кўпроқ ўшалар хусусида ўйлашимиз зарур. Яна бир масала. Далаларда деҳқон уйлари барпо этишда ҳам эҳтиж бор. Бир қатор фермерлар билан келишувларга эришдик. Улар дала-ишчиларнинг қуриб, боғлар яратишга астойдил бел боғлаганлар. Уйлайманки, касаба уюшмада ташаббус, интилиш руҳи устувор бўлса, унга эргашадиганлар, суянадиганлар салмоғи ортиб бораверади.


Абдурайим Бойсариев,
Ховос туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

— Аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор

«ЎЗДЭУ» АВТО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚҮМИТАСИ



Фидокор халқимизни ва барча тармоқ ишчи-хизматчиларини энг қадимий ва хамиша ардоқли байрам муборақбод этади.



БОҒЧА фермер оталиғида

ёшни иш билан таъминлади. Суннатжоннинг билими, ташкилотчилиги ва тadbirkorлигини яқин билган «Ғозгон» аҳолиси уни икки йил аввал маҳалла фуқаролар йилғини раиси этиб сайлади.

Шундан сўнг қаровсиз қолган маданият уйи қайта таъмирланди. 19-мак-

табининг газ қозонлари қайта қурилди. Шу билан бирга «Ғозгон» маҳалласи ҳудудидаги спорт мажмуига 700 минг сўм, Алишер Навоий номи маҳалла гузарини галлаштиришга 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди. «Наврўз» ва «Юлдузча» болалар боғчаларини оталиққа олди.

Наврўз байрами арафасида эса тadbirkor фермер маҳалланинг эҳтижман оилаларига байрам совғалари улашди.

(ЎЗА)

ХАР ТУНИНГ ҚАДР ЁЛУБОН, ХАР КУНИНГ ЁЛСИН НАВРЎЗ

боис Ватан дилимизда, Ватан руҳимизда яшайди. Наврўз онларида эса инсон ўзligини ахтариб заминга яқинлашади...

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Авал юрагингга мўраляйди у, Сўнгра куртакларга ўргатади сўз. Заминнинг кўзидан қоцади уйку, Демак баҳор келди, Келмоқда Наврўз...

Негаки, Наврўз қадимий ва янгилашиб бораётган байрамларимиздан бири. У кўна Шарқ тафаккурининг барҳаёт қадриятларидан бўлиб, ҳар бир миллат ва элат ўз аёна, урф-одатлари доирасида уни нишонлаб келади.

Мажалларда оммавий ҳаётлар уюштирилиб, чор-атроф ободоналаштирилди. Мевадлар ва манзаралик дарахт қўчатлари ўтказилиб, ёлғиз қаришлар ва боқувчисини йўқотганлар хонадонларида қайта таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.



Бағаллиқдан қийналган аёл колган болаларига овқат пишириш учун, бугдуй экинган ердаги сабаза майсани териб келиб, майдалаб, таом қилишга киришибди.

Наврўзга тайёргарлик сумалак пишириш учун майса ундирлидан бошланади. Шу боис Наврўзнинг шифобахш қўқлам таоми — сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди.



Азалдан эзгулик, тўқин-сочинлик, сихат-саломатлик рамзи сифатида улуғланган муборак таом — сумалак пишириши ўзига хос аёна...

ДОШҚОЗОНДА СУМАЛАК

Муродимиз ҳосил бўлсин, Сумалагимиз қизил бўлсин, дейдилар. Қизил кўйлак кийиб, қизил рўмон ўрашнинг ҳам муайян рамзий маъносини бор...

ларига эса ял-ял ёниб турган қизгалдоқлардан тақиб оладилар. Шундан кейин тоғорадаги ширани қозонга сола туриб:

«сумалак» атамаси «шарбат учун қилинган, ундирилган арпа» ёки эрта қўқламда шарбатидан махсус таом тайёрлаш учун кўқартирилган бугдуй маъносини аниқлаётган қадимий туркий сўз бўлиши «сума» дан келиб чиққан.

Момлар туни бўйи ўхламай пишириб, димлаб қўйилган дошқозонлар очилади. Сумалакда Хумо кўш акс этади. Нурунийлар уни яхшиликка йўлиб, келатган йил осойишталик ва тўқинлик йили бўлади, дея баҳорат қилишади.

Хосиятли кун Наврўз маънавий қадриятларимизнинг гултожи ҳисобланади. Унинг илдизлари энг тиниқ чамалардан сув илган, поклик ва бегуборлик осмонига бўй чўзган, мевалари эзгулик ва яхшилик дарахтида пишиб етилган.



га тарқатилган. Хуллас, ҳар бир оила, ҳар бир одам байрамни алоҳида тарадуд билан ҳам руҳан, ҳам маънан покланиб қутиб олган.

Наврўз кунини туғилган боланинг исмини Наврўз қўйишган. Наврўз кунини одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йиғитлари унашлган махбубларига билан дийдорлашганлар.

Наврўзга атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тазаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тазаланади.

Наврўз байрамидан икки-уч кун олдин марҳумларни зиёрат қилиш учун қабристонга борадилар. Ким ниҳол, кимдир гул уруғларидан олиб чиқиб, кейин ўзига тегишли қабрни ҳас-чўп, ўт-ўланлардан тазалаган, уларни экишади.

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт шохидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнутол, зайтун, беҳи, анор, бодом, pista, ёнғоқдир.

Халқимиз аёнасанга кўра, Наврўз кунлари дастурхонга сумалак тортилганда қўқлам таоми биринчи бўлиб қўқартирилган пир-бадавлат отахоналаримиз-у табарққ онахоналаримиз: «Янгилик, янгилик, илоҳим хеч қўрмайлик ёмонлик, ниятимиз омонлик-сомонлик. Илоҳим, янаги ой, янаги йилларга, бошимиз эсон, бағримиз бугун бўлиб, ўйнаб-қулиб етишайлик» дейишиб, жимжилоқлари билан сумалакни таътиб курадилар.

Баҳор байрамнинг шох таомини тайёрлаш аёнасанининг тарихи олис даврларга бориб тақалади. Хатто милоднинг I-II асрларида яшаб ўтган юнон олими Плуларх қадимги одамларнинг баҳорий удуmaları тўғрисида ёзаркан, улар илк қўқламда бугдуйдан махсус таом пиширишларини алоҳида қилиб қўқлаб ўтган.

Кадимий аждодларимиз Наврўздан аввал еттига ёки ун иккита тахтага етти хил долли эканининг уруғидан ёйиб, уларнинг майсалашига қараб туриб, келаси йил олинажак ҳосил қўғини чамалашаркан. Агар доллар бир текис, беҳато ушиб чиқса, йил баракали келади, яқкам-дуккам кўқарган майса эса қамқосил куздан дарак беради деб ўйлаганлар.

Кадимий аждодларимиз Наврўздан аввал еттига ёки ун иккита тахтага етти хил долли эканининг уруғидан ёйиб, уларнинг майсалашига қараб туриб, келаси йил олинажак ҳосил қўғини чамалашаркан.

ТОМОШАГА КЕЛИНГ, ОСМОН ЁЙНАСИН

Юртимизда баҳор ва янгилашиб аёна — Наврўз тантаналари бошланиб кетди. Хоразмда ҳам гузаллик ва нафосат байрамига катта тайёргарлик қилинди.

Баҳорда оламнинг жамики гузаллиги, чиройи одамлар қалбига оқиб қиради. Қўқлам насимлар кўнгида ажиб туйғулар уйғотилади.

Олис-оқислардан эшитилаётган чанқоувчининг мунгли наволари қалбга соғинч ҳиссини солади. Кўқламнинг эркатой шабадалари бошнингга ҳову-ҳовуч гул атрини сочиб, кўнгилинг қулфини очиб юборади.

Келинчакнинг йўлида Гуллар сочай ёр-ёр. Шўнгу Наврўзда севганимга Кўнги очай ёр-ёр.

Баҳорнинг муборак бўлисин, ушбу дам, Она Уббекистон - дилбар Ватаним. Наврўз фазилати, чиройини тасвири ва таснифи этмоқ учун нурдан қалам, қизгалдоқ баргидан қоғоз, ялғиз суйидан сиёх, баҳордек сажий-саховатли гузал қалб керак бўлади.

Умрбоқий қўшиқлар

Жамшид ўзи ясаб олган аравада самога парвоз қилади. Одамлар бу ахойиб кунни Наврўз атаб, уни байрам қиладилар ва шу кундан бош...

Баҳорнинг сен элчиси, Яхшиликнинг белгиси, Сумалакжон, сумалак, Сумалакжон, сумалак. Қўшиқнинг дилтортар оҳанглари атрофга Наврўз қувончу севинчларини улашади.

БОЙЧЕЧАГИМ ҲИЛЛОДИР...

Бохоринг муборак бўлисин, ушбу дам, Она Уббекистон - дилбар Ватаним. Наврўз фазилати, чиройини тасвири ва таснифи этмоқ учун нурдан қалам, қизгалдоқ баргидан қоғоз, ялғиз суйидан сиёх, баҳордек сажий-саховатли гузал қалб керак бўлади.

Келинчакнинг йўлида Гуллар сочай ёр-ёр. Шўнгу Наврўзда севганимга Кўнги очай ёр-ёр. Савишганлар шўх қувнаб, Кўнгиладир ёр-ёр.

Чўлноной МЕЛИКУЗИЕВА

**ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ
ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**



*Жаннатмакон юртимизга кўз
тегмасин. Ҳомийлар ва шифокорлар
йилда барча ишларингиз бароридан келсин.*

**ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**



*Бетакрор
Ўзбекистонимизда
тинчлик-
хотиржамлик
доимо хукмрон
бўлсин.*

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА
ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ**

*Тармоқ меҳнаткашларини ҳамда барча фуқароларни
орзу-умидлар рамзи бўлмиш Наврўз байрами билан
самимий муборакбод этади.*


*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
хонадонларимиз обод бўлсин!*

«ОХАНГАРОНЦЕМЕНТ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ



*Она Ўзбекистонимизни
фидойи меҳнатимиз ила
улуғлайлик.*

*Эл-юрт учун
камарбаста,
саховатпеша инсонлар
асло кам бўлмасин!*



ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ



*Азиз ватандошларимизни
яхшилик ва эзгулик айёми
билан қутлайди.*

*Янги кун барчамизга
бахорий кайфият, хона-
донларимизга қут-барака,
дастурхонимизга тўкин-
лик олиб келсин!*

Республикамизнинг энг нуфузли банкларидан бири Акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»



*Ўз акциядорлари ва mijozларини, Ўзбекистон
халқини НАВРЎЗИ Олам билан табриклайди!
Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-
саодат, осойишталик ва фойзу
фароғат тилаймиз!*

Иxtisoslashtirilgan aksiyadorlik-tijorat
«ПАХТА БАНК»

«ПАХТА БАНК» - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини гўзаллик ва нафосат байрами билан самимий қутлайди.



Наврўз ҳар бир хонадонга қувонч ва шодлик, файзу барака олиб кирсин.



Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақият ёр бўлсин!



